

ПАРТИЯМИЗ ПРОГРАММАСИ — КОММУНИЗМ УЧУН КУРАШ БАЙРОҒИ

КОММУНИЗМ НИМА?

Коммунизм — ишлаб чиқариш воситалари бир бутун умумхалқ мулки бўлган, жамиятнинг барча аъзолари социал жihatдан батамом тенг бўлган синфсиз ижтимоий жамият бўлиб, бу жамиятда одамларнинг ҳар томонлама камолатга етиб бориши билан бирга доимо тараққий қила борувчи фан ва техника асосида ишлаб чиқариш кучлари ҳам ўсиб боради, ижтимоий бойлиқнинг барча манбалари тўлиб-тошиб туради ва «ҳар кимдан қобилиятига яраша, ҳар кимга эҳтиёжига яраша» деган буюк принцип амалга ошади. Коммунизм — эркин ва оғли меҳнаткашларнинг юксак даражада уюшган жамиятидир, бу жамиятда ижтимоий ўз-ўзини бошқариш қарор топади, жамият бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш ҳамма учун биринчи ҳаётий эҳтиёж, англаган зарурат бўлиб қолади, ҳар бир кишининг қобилияти унинг халққа энг кўп фойда келтиришини кўзлаб ишга солинади.

(Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси проектидан).

СЕНИ ОЛҚИШЛАЙМИЗ, ПАРТИЯ!

Мен Ленин қўлида тарбия топган
Бахтиёр ўзбекининг тўнғич ўғлиман.
Лениннинг кўрмидин, Ленин нур селган
Йўлларда мардона борсам ҳақлиман.
Яхши ҳам бахтимга Ленин туғилди,
Халқларни бошлади янги бир йўлдан.
Курашлар ўтида ёнди, йўғрилди.
Халқларга эрк берди у ўз қўлидан.
Мени-чи, қўлимдан еталаб қўболо,
Мамлакатга бошлади умрим тоғида.
Мўлғамга нур соғди шонли истиқбол,
Улғайиб бошлади ёшларим оғида!
Бутун бир шоир деб назмни инром,
Ифтихор кўраман ўшан халқимдан.
Нақадар бахтлиман! Шарафли бу ном!
Севинчдан юрагим чиқай дер қилди!
— «Ўзбекистон розинан, мамну, миннатдор».
Бир меймас — халқимнинг тилида бу сўз.
Жўш уриб чиқайди дилдан бу сўз,
Эртасин кутиди мағрур, бахтиёр!
Мангудир элларнинг эрки, иқболи,

Мангудир лабларда табассум, кулги.
Мангудир тил узра эриган боли,
Мангудир боғларнинг очилган бўрси.
Мангудир бахтини қуйлаган рубоб,
Мангудир шоирнинг қўлида қалам,
Мангудир бошинида порлаган оғтоб,
Мангудир бу янги, яшнаган олам.
Мангудир мактабнинг очик эшиги,
Мангудир қўлида китоб-дафтаринг,
Мангудир сен селган бахтинг бешинг,
Мангудир парвозда тинчлик каптаринг.
Барига сабабчи, етакчи ўзинг,
Мураббий Партияни, шонли Партияни!
Истиқбол уфқини ёритар кўзинг,
Сен борки, эллар тинч мунаввар олам!
Партия! Партия! Жону жаҳонинг,
Виждоним, идроким, қалби, пролам,
«Мингдан-нинг ташаккур, йи шараф-шоним!»
Дер доим бир меймас, юртада ҳар одам!
Бутун ҳам тақдирлар дейинг: — Ташаккур!
Сендангир йўлларга мангу тушган нур!

ШУХРАТ

БУЮК ТАРИХИЙ ҲУЖЖАТ

Совет халқи муҳомасига қўйилган Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси проекти республикамиз олимларини ҳам чуқур ҳаяжонга солди. Бу буюк тарихий ҳужжатда Коммунистик партиянинг асосий мақсади — коммунистик жамият куриши оқин-ойдин баён қилиб берилган, капитализмдан социализмга ўтиш тарихий муқаррар ҳодиса эканини назарий жиҳатдан чуқур асослаб берилган. Программа мамлакатимизнинг миллионлаб меҳнаткашларини ва бутун прогрессив инсониятни ер юзидан энг халқпарвар, энг адолатли ва энг бахтли жамият бўлган — коммунизмнинг галаба қилинишига чуқур ишонч билан қўроллантиради.

Харакат учун қўлланма бўлган бу Программа республикамиз илмий жамоатчилиги олдига масъулиятли вазифаларни қўяди, энг муҳим илмий проблемаларни ҳал этишга эътиборни қўйишни талаб қилади. Ўзбекистон олимларининг илмий тадқиқотлари ягона бир мақсадга — мамлакатимизда коммунизм курилишини теъза-тадидан проблемаларни ҳал этишга қаратилиши керак. Программа проектида фанни ривожлантириш ва унинг муваффақиятларини халқ хўжалигига жорий қилиш тўғрисида партия бундан буён ҳам алоҳида ғамхўрлик қилади деб кўрсатилган. Демак, олимларимиз халқ хўжалигини ривожлантиришга ҳар томонлама ердан берадиган илмий проблемаларни ҳал этишга катта ғайрат билан киришишлари керак бўлади.

Совет Ўзбекистонда фаннинг барқ уриб ривожланиши Коммунистик партиянинг чор Россияси даврида қўлоқ бўлган ўлкаларини ривожлантириш тўғрисида қилган ғамхўрлигининг ёркин далилидир.

Ўзининг бутун куч ва қобилияти, билими, таъриба ва талантини жононжон партия ва улуг Ватанимиз ишига бахш этиш истаги билан тўлиб-тошган Ўзбекистон олимлари КПСС XXII съезди шарафига муҳим халқ хўжалик аҳамиятга эга бўлган бир қатор проблемаларини ишлаб чиқишини тўғридан, ёришгани илмий натижаларини тезроқ ишлаб чиқаришга жорий қилиш мажбуриятини олиб, шу кунларда эър ғайрат ва шижоат билан ишламоқдалар. Программа проектида халқнинг яратувчилик меҳнати билан, коммунистик курилишнинг амалий вазифалари билан мустаҳкам алоқада бўлиш — фанни муваффақиятли ривожлантиришнинг гарови деб кўрсатилган. Олимларимиз ўз фаолиятларида партиянинг ана шу дово кўрсатмасига оғишмай амал қилдилар.

Юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш академиямиз олдинга қўйилган энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Партиямиз съездида совет фанини ривожлантиратган илмий қўллар сафига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ходимлари ва аспирантлари 27 янги фан доктори ва 145 фан кандидатини қўйиш ниятида.

Улуг Ленин ғоялари йўлини ёритган ва жононжон Коммунистик партия раҳнамо бўлган Совет

Иттифоқи халқлари, шу жумладан Ўзбекистон меҳнаткашлари коммунизмнинг нури қўқилари сари қомил ишонч билан олға бормоқдалар. Коммунизмнинг муҳташам биносини қуришда улугвор мақсад учун курашда халқ ичидан чиққан Ўзбекистон олимлари ҳам бутун мамлакатимиз меҳнаткашлари билан бир сафда бўлади.

С. Ю. ЮНУСОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти.

МУНОСИБ СОВҒАМИЗ

Коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишда шарафли ишга олгина бўлса ҳам ҳиссамизни қўйишга аҳд қилдик. Ётти ойлик топириқни муҳлатдан анча илгари бажариб, қўшимча равишда бир неча юз метр шунор ишлаб чиқарган цехимиз коллективи бундан буён ҳам янада унумлироқ ишлаш ва шонли партиямизнинг наватдаги XXII съездида муносиб меҳнат совғаси тайёрлашга бел болаган. А. Қосимов, Х. Исломов, Н. Бўтабеков каби кўпгина касбдошларим ҳозир

топириқларни 130—140 процент бажариб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Янги Программа проектидан руҳланган ишчиларимизнинг қарийб кўпчилиги ҳар сменада нормадан 500 метр ўрнига 650—700 метрдан электр шунори ишлаб чиқара бошладилар.

М. НАЗАРМУХАМЕДОВА,
Тошкентдаги «Электроприбор» заводи 3-цехининг ишчиси.

ОЛДИНГИ САФДА БОРАМИЗ

Заводимиз коллективи КПСС XXII съезди шарафига меҳнат вахтасида туриб ишлаётган бир пайтда партиянинг янги Программаси проекти эълон қилинди. Жаҳоншумул аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжат уларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат бағишлади, меҳнат галабалари сари илҳомлантириб юборди. Чунки бу ҳужжат инсониятнинг порлоқ истиқболи бўлган коммунизм куриш программасидир.

Заводимизда тўртта участка, 46 бригада коммунистик меҳнат бригадаси номини олган. 86 та ишчи эса ўзларининг ҳалол меҳнатлари туфайли коммунистик меҳнат зарбдори номини олишган. Шу кунларда ана шундай юксак номини олиш учун ҳаракат ҳар қачонгидан қизиб кетди. Бу ҳаракатга 9 та цех, 46 участка қўшилган. 168 ишчи коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш учун ўзаро социалистик мусобақани қизитиб юборди.

Коллективизмнинг ҳалол меҳнати туфайли ярим йиллик ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш плани 102,8 процент бажарилди, меҳнат унумдорлигини 102,1 процентга етказди. Буюк воқеадан илҳомланган заводимиз ишчилари, инженер-техник ходимлари КПСС XXII съезди очилиш кунигача коммунистик меҳнат қорхонаси номини олиш учун астойдил курашмоқдалар. Уларнинг истаги коммунизм куриш учун курашнинг олдинги сафда бўлишидир.

Г. Ф. СОРОКИН,
В. И. Ленин номидаги электролампа заводи партия ташкилотининг секретари.

ЮРАКДАН АЙТИЛГАН СЎЗЛАР:



— Мамлакатимиз ривожланишининг 20 йиллик истиқболларини тузиб берган партиямиз янги Программасининг проектини кўра, — дейди Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг акадemiки ўртоқ Х. Ф. Фозилов, — фан ва техникамиз янада ривожланиб, янги кўрилмаган даражада равиққа топади.



— Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси проектида халқимизнинг асл мақсади тўла ифодаланган. Бу тарихий ҳужжат эртанги кунимизни ёриб турувчи машъалдир, — дейди «Госгортехнадзор» инженери ўртоқ Муҳит Носиров.




Тошкентдаги картография фаб. рикасининг печатини ўртоқ Аҳад Галиев дейдики: — Халқимизнинг бахт-саодати тўғрисида ғамхўрлик қилиш, жононжон Коммунистик партиянинг фаолиятининг олий қонунидир. Янги Программа проектида биз ўз орзу-умидимизни, келажагимизни кўриб турибмиз.



— Янги Программа проектида шаҳар ва қишлоқ аҳолисига юқори малакали медицина хизмати кўрсатишни бутун чоралар билан янада яхшилаш истиқболлари ўз ифода-нажон топан, — деди Тошкентдаги «Чинобод» санаторийсининг ишчан ходими, врач-терапевт ўртоқ Л. Абдуллаева.



Тошкент тепловоз депосиданги коммунистик меҳнат колоннасининг илғор машинисти ўртоқ Латиф Маъруфов шундай деди: — Халқ хўжалигининг барча тармоқларини, жумладан темир йўл транспортининг турларини ривожлантиришнинг улугвор режалари КПСС янги Программасининг проектида ёркин ифодаланган.



— Халқ хўжалигининг барча тармоқларини, жумладан темир йўл транспортининг турларини ривожлантиришнинг улугвор режалари КПСС янги Программасининг проектида ёркин ифодаланган. А. Абалаян фотолари.

Порлоқ келажак Программаси

Бошимизни силаб воёга етказган, барча совет кишиларига бахт ва иқбол бахш этган жононжон партиясининг янги Программаси проекти эълон қилинди.

Программа проектида санъатимизнинг, шу жумладан театр санъатининг, кенг истиқбол йўллари очилди. Кўрсатиб берилган, кишиларимизда юксак фахратларни тарбиялашда, коммунистик ахлоқ нормаларини шакллантиришда театр ва биз, артистлар олдинга партиямиз томонидан шарафли вазифалар қўйилган. Бу вазифаларни амалга оширишда айниқса халқ театrlарини ривожлантириш кўзда тутилди. Бу — санъатни, театрни халқ билан яқинлаштиришнинг энг яхши ва мукаммал формасидир. Халқ театrlарини саҳнасига юрлаб ёш талантлар, истеъдодли артистлар, режиссерлар, кўсак дидли театр расмолари етишиб чиқиши, тарбияланиб воёга етиши шубҳасиздир.

Санъатимизни юксалтиришнинг ана шундай бой имкониятларини очиб бераётган, уларни амалга оширишда бевосита ердан бераётган, меҳрибонлик кўрсатаётган доно партиямизга чексиз ташаккурлар бўлсин!

Ўтфулла НАЗРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ артисти, Сталин мукофоти лауреати.

Бизнинг авлодимиз коммунизм даврида яшайди!

БЕКБОБД. (ЎзТАГ). Ленин номида Ўзбекистон металлургия заводи ишчиларининг халқон акс этиб турган феҳрасини қайнаётган пўлатнинг ўткир нури ёритмоқда.

— Ҳаяжонланмай бўладими! — дейди дондор пўлат эритувчи Тошкент области Советининг депутаты Банно Мирзаматов. — Чунки ажойиб замонада яшамоқдамиз. Жононжон Коммунистик партиямиз халққа қарата: совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди! — деди. Инсониятнинг азгу ораси бизнинг кўз ўнгимизда ҳақиқатга айланмоқда. Ҳар бир кунимиз — коммунизм сари қўйилган шахдам қадамдир. Партиянинг янги Программасида коммунизм куришнинг ёркин ва конкрет манзараси тизиб берилган. Ҳамма нарсани сонга, ҳамма нарсани инсон учун — унинг мазмунини ана шундай.

РЕПОРТАЖ

ПАРТИЯГА МИНГ РАҲМАТ

Ариқ бўйидаги сершоҳ икки азам тоғнинг соғинга ясалган сўрида 2-бригада аъзолари дам олишга оdatланганлар. Мана ҳозир ҳам улар тушки дам олишга чиқиб, давра ясаб ўтиб-тошиб туради. Сўрига таингадек оғтиб тушмайди. Майин шабада аста элиб, кўёнда қизган, меҳнатда тобланган танларга роҳат бағишлаб турибди.

Бутун дам олишга чиққанлардан ҳеч бири шахмат ҳам, шашмак келтираётгани йўқ. Ҳаммининг диққат-марказини Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси проектини ўқитган бригада агитатори Эрмат Холматов ўзига торган. Ҳамма жини. Фақат Холматовнинг саломидор, жарангли овози ленинча партиянинг доно сўзларини пахтакорларга эшиттирмоқда. — Ўтирган ёшу-қари баравар нурудини, қароқча айлантириб тинглагомқда.

— Колхоз тузуми — Совет Социалистик жамиятининг ажралмас қисминдир, — деб ўқиниб давом этарди агитатор. — В. И. Ленин белгилаб берган, тарихан синалган, деҳқонларнинг ҳуусуятларига мос келадиган бу тузум деҳқонларнинг тобора коммунизмга ўта бориш йўлидир.

Колхоз формаси қишлоқда ҳозирги замон ишлаб чиқарувчи кучлари тараққийнинг даражаси ва эҳтиёжларига тўла жавоб беради, янги техникани ва фан ютуқларини самарали қўлланнига, меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланишга имкон беради... Деҳқонларнинг меҳнат унумдорлиги ўсиши асосида деҳқонлар дарамадини ва фаровонлигини ошириш учун кенг имкониятлар очиб беради...

колхоз — деҳқонлар учун коммунизм мактабидир...

Программа проектидаги бу сўзлар тинглаб ўтирганларнинг ҳаммасига мойдек ёкиб тушди. Бир чеккада ўтириб, жон қулоғи билан тинглаётган Карима Тўлатанова рўпарасидаги Ғани отага кўзи тушиб билан «эҳтиёжларимиз бу гапларни!» дегандек ишора қилди. Ота «эҳтиёжларимиз бўлма», дегандек қилди.

Холматов Программа проектини иккинчи қисмининг, «Қишлоқ хўжалигининг ва қишлоқда ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши» саравҳали қисминини шовилмай, дона-дона қилиб ўқиниб давом этарди.

— Меҳнат унумдорлигини тўхтовсиз юксалтириш ҳамда яхши меҳнат учун, энг яхши натижалар учун — энг юқори ҳақ, деган принцинга қатъий риоя қилиш — колхоз ва совхозларни ривожлантиришнинг иқтисодий негизидир.

— Отасига балли, — деб иборди ниҳоят Ғанини тутта олган, худди унинг қалбидан истакни партия ҳаммага амр қилаётгандек, миннатдор бўлиб кетган Ғани ота. — Ҳамма қўлидан келганча меҳнат қилиб, истаганча еб-ичадиган, истаган сарасига эга бўладиган, истаганини қилдиган замон бўлиши учун ҳамма яхши ишлаши керак-да.

Материалнинг мулжалланган қисми ўқиб бўлинди. Шу ҳаётда қизғин сўхбат бошланиб кетди. Пахтакорлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 20 йилга мулжалланган программасидан, шу йиллар мобайнида қишлоқда рўй берадиган ажойиб ўзгаришлардан гоёт руҳланиб кетди.

КЕЛАЖАГИМИЗ ЯНАДА ПОРЛОҚ

Улуг Ленин партияси барча галабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси, коммунизм муҳташам биносининг ижодкоридир. Мамлакатимизда меҳнаткашларга бахт-саодат келтирган Советлар ҳокимиятининг ўрнатилиши, социалистик демократиянинг қарор топиши, халқ хўжалигида азалий қодоқлиқнинг тутатилиши, саноат, қишлоқ хўжалиги, маданият ва фан-техниканинг тараққийи партиянинг номи билан боғланган. Халқимиз моддий ва ма-

даний фаровонлигининг мисли қўрилмаган даражада юксалиши партия ўз олдида қўйган мақсадга эришиш учун изчил кураш олиб бораётганини кўрсатувчи аққол мисолдир.

Партия бизни курашга бошлади — биз галаба қозондик. Советлар партияда социализм уйл-кесил тантана қилди. Энди партия бизни коммунизм галабаси сари қомил ишонч билан олға бошлаб бормоқда. КПСС Программасининг эълон қилинган проекти — порлоқ келажагимиз программасидир.

Барча совет кишилари каби районимиз меҳнаткашлари ҳам Программа проектини эър кўтаринки руҳ билан ўрганмоқдалар. Унинг ҳар бир сатри, сўзи мамлакатимиз халқ хўжалигини янада мисли қўрилмаган даражада юксалтириш, уни дунёда энг илгор ва ҳамма ҳавас қиладиган даражага етказиш гоёси билан сугорилган.

Янги келажак совет халқи ҳаётида янада порлоқ, янада фаровонлик, мўл-кўчлилик даври бўлади. Шаҳар ва қишлоқларимиз коммунизм нурига чулғанади, халқимиз турмуши моддий ва маданий фаровонлик даражасининг дунёда тенги бўлмайди. Ленин ижод этган социалистик демократия янада ривож топади. Партия ўз олдида ана шу улуг мақсадни қўймоқда. У бу мақсадга албатта эришади. Совет халқи бу йўлдаги курашга бутун иқидий куч-ғайратини сарфлайди. Чунки партия уни янги зафарлар томон бошламоқда.

— Партияга минг раҳмат, биз партияни минг-минг марта синишим, у ҳамма бизларни бахт-саодат томон, хайрли ишлар сари етказмоқда, — деб қўйди ўриндан турар экан Ғани ота.

З. ОРИПОВ,
Оржоникиде район «Қишлоқ Ўзбекистон» колхозчи.

Суратда: бригада аъзолари тушки дам олиш вақтида КПСС Программаси проектини муҳо-мама қилмоқдалар.

ИЖОДИЙ МЕХНАТИМИЗ БИЛАН КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШНИ ТЕЗЛАШТИРАМИЗ

ЕТТИ ЙИЛЛИГИМИЗНИНГ ЗАФАРИ ОДИМИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ХАЛҚ ҲЎЖАЛИГИНИ 1961 ЙИЛНИНГ БИРИНЧИ ЯРМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ПЛАНИНИНГ БАЖАРИЛИШИ АҚУЛЛАРИ ТЎҒРИСИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАЛАРИНИНГ АХБОРОТИ

Тошкент шаҳар ва Тошкент об-
ласт меҳнаткашлари етти йил-
лигининг учинчи йили тоштрик-
лари билан бажариб, КПСС XXII
съезди ва Ўзбекистон Коммуни-
стик партиясининг XVI съезди
шарафига социалистик мусобақани

САНОАТ

Саноат маҳсулотини ишлаб чи-
қариш ярим йиллик плани, умуман,
област бўйича 103 процент бажа-
рилди. Саноат маҳсулотининг
ҳажми ўтган йилнинг шу даврида-
гига нисбатан 8 процент кўпайди.

Тошкент шаҳар ва Тошкент об-
ластининг кўпчилик маъмурий
районлари саноат маҳсулотини иш-
лаб чиқариш ярим йиллик пла-
нини бажардилар. Тошкент ша-
ҳрининг Киров, областнинг Бус-
тонлик ва Янгйер районлари сано-
ати ярим йиллик планини бажар-
мади.

Ведомстволарга қарашли кор-
хоналар бўйича ялпи маҳсулот
ишлаб чиқариш планининг бажари-
лиши қуйдагича характерла-
нади:

Ўзбекистон Совнархозини корхоналари

Тошкент об-ласт ижроия комитетининг

Тошкент шаҳар ижроия комитетининг

Республика министрликлари ва ведомстволари

Иттифок министрликлари ва ведомстволари

1961 йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш қуйдагича бўлди:

Кўмир — минг тонна

Электр қуввати — миллион киловатт-соат

Кўприк қрантлари — дона

Экскаваторлар — дона

Кимё асбоб-ускуналари — миллион сўмлик

Установка сими — минг километр

Шланг кабелли — минг километр

Бронекабель — минг километр

Тракторлар — дона

Пахта терил машиналари — дона

Пахта селлакалари — дона

Кўран чувийдиган машиналар — дона

Ўзвон юладиган машиналар — дона

Трактор култиваторлари — дона

Трактор трицикллари — дона

Йиғма темир-бетон конструкциялари ва

деталлари — минг кубометр

Пескент — минг тонна

Шифер — шартли миллион дона

Асбобсиз трубаулар — шартли километр

Бинокорлик гишти — миллион дона

Дераза ойнаси — минг квадрат метр

Котоз — тонна

Пахта толаси — минг тонна

Ил газлама — миллион погон метр

Ички трикотаж — миллион дона

Чарм пофайзал — миллион дона

Рўзгор холодиликчилари — дона

Гўшт (давлат хомаш

ресурсларидан) — минг тонна

Колбаса маҳсулотлари — минг тонна

Мол ёғи — тонна

Ёғи олинмаган сут маҳсулотлари

— минг тонна

Ўсимлик ёғи — минг тонна

Консервалар — шартли миллион банка

Кондитер маҳсулотлари — минг тонна

Узум вноси — минг декалитр

1961 йилнинг биринчи ярми- да ишлаб чиқариш (процент ҳисобидан)	1961 йилнинг биринчи ярми- да 1960 йилнинг биринчи ярмига нисбатан (про- цент ҳисобидан)
Ўзбекистон Совнархозини корхоналари	103
Тошкент об-ласт ижроия комитетининг	103
Тошкент шаҳар ижроия комитетининг	106
Республика министрликлари ва ведомстволари	106
Иттифок министрликлари ва ведомстволари	105
1961 йилнинг биринчи ярми- да ишлаб чиқариш (процент ҳисобидан)	103

1961 йилнинг биринчи ярмида саноат маҳсулотларининг асосий турларини ишлаб чиқариш қуйдагича бўлди:

Кўмир — минг тонна

Электр қуввати — миллион киловатт-соат

Кўприк қрантлари — дона

Экскаваторлар — дона

Кимё асбоб-ускуналари — миллион сўмлик

Установка сими — минг километр

Шланг кабелли — минг километр

Бронекабель — минг километр

Тракторлар — дона

Пахта терил машиналари — дона

Пахта селлакалари — дона

Кўран чувийдиган машиналар — дона

Ўзвон юладиган машиналар — дона

Трактор култиваторлари — дона

Трактор трицикллари — дона

Йиғма темир-бетон конструкциялари ва

деталлари — минг кубометр

Пескент — минг тонна

Шифер — шартли миллион дона

Асбобсиз трубаулар — шартли километр

Бинокорлик гишти — миллион дона

Дераза ойнаси — минг квадрат метр

Котоз — тонна

Пахта толаси — минг тонна

Ил газлама — миллион погон метр

Ички трикотаж — миллион дона

Чарм пофайзал — миллион дона

Рўзгор холодиликчилари — дона

Гўшт (давлат хомаш

ресурсларидан) — минг тонна

Колбаса маҳсулотлари — минг тонна

Мол ёғи — тонна

Ёғи олинмаган сут маҳсулотлари

— минг тонна

Ўсимлик ёғи — минг тонна

Консервалар — шартли миллион банка

Кондитер маҳсулотлари — минг тонна

Узум вноси — минг декалитр

Кўмир — минг тонна

Электр қуввати — миллион киловатт-соат

Кўприк қрантлари — дона

Экскаваторлар — дона

Кимё асбоб-ускуналари — миллион сўмлик

Установка сими — минг километр

Шланг кабелли — минг километр

Бронекабель — минг километр

Тракторлар — дона

Пахта терил машиналари — дона

Пахта селлакалари — дона

Кўран чувийдиган машиналар — дона

Ўзвон юладиган машиналар — дона

Трактор култиваторлари — дона

Трактор трицикллари — дона

Йиғма темир-бетон конструкциялари ва

деталлари — минг кубометр

Пескент — минг тонна

Шифер — шартли миллион дона

Асбобсиз трубаулар — шартли километр

Бинокорлик гишти — миллион дона

Дераза ойнаси — минг квадрат метр

Котоз — тонна

Пахта толаси — минг тонна

Ил газлама — миллион погон метр

Ички трикотаж — миллион дона

Чарм пофайзал — миллион дона

Рўзгор холодиликчилари — дона

Гўшт (давлат хомаш

ресурсларидан) — минг тонна

Колбаса маҳсулотлари — минг тонна

Мол ёғи — тонна

Ёғи олинмаган сут маҳсулотлари

— минг тонна

Ўсимлик ёғи — минг тонна

Консервалар — шартли миллион банка

Кондитер маҳсулотлари — минг тонна

Узум вноси — минг декалитр

Област районларида қишлоқ
ҳўжалик техникасини қузиш ва
қишлоқ ишлари амалга ошириш
учун тайёрлаш ишлари олиб
борилмоқда.

Област қолхоз ва совхозларида
йирик шохли қора моллар сонини
шу йилнинг 1 июлигача ўтган
йилнинг шу давридагига нисбатан
2,7 минг бош кўпайди, сиғирлар
сонини 3,5 минг бош, чўчқалар —
19,2 минг, қўй ва эчкилар — 27,4
минг, ларрандалар — 276,8 минг
бош кўпайди. Уроғчи молларнинг
сўйиб юборилиши ва қисир қили-
ши, шунингдек боқимининг ёмон
бўлиши натижасида молларнинг
нобуд бўлиши жамоат чорвачи-
лисини ривожлантиришга тўқсон
лик қилаётган жиддий камчилик-
дир.

Қолхоз ва совхозлар шу йил-
нинг олти ойида 7,1 т таёрлаш
йиллик планини 43 процент, сут
тайёрлаш топиригини 48 про-
цент, туҳум тайёрлаш планини 68
процент бажардилар.

Давлатга чорва моллари сотиш
ярим йиллик плани 113 процент,
сут сотиш ярим йиллик плани 88
процент, туҳум — 99 процент ба-
жарилди.

КАПИТАЛ ҚУРИЛИШ

Давлат планига асосан шу йил-
нинг биринчи ярмида област
ҳўжалик техникасини капитал маб-
лағ сарфлаш 106,8 миллион сўмни
ташкил этди. Ёни 1960 йилнинг
биринчи ярмидагига нисбатан 12
процент кўп маблаг ажратилди.

Ўтган ярим йилда давлат
планидагидан ташқари давлат ва
кооператив таъшиқотларининг мар-
казлашмаган маблағлари ҳисоби-
дан анча миқдорда капитал маб-
лағ сарфланди.

Капитал маблаг ўзлаштириш
ярим йиллик плани 90 процент,
шу жумладан Тошкент шаҳри бўй-
ича 89 процент бажарилди. Ка-
питал маблаглар янги объектлар
қурилиши, шунингдек мавжуд
корхоналарини реконструкция қи-
лишга, уй-жойлар, мактаблар, ка-
салхоналар, меҳнаткашларга ма-
даний-маиший хизмат кўрсатув-
чи бошқа корхоналар қурилишига
сарфланди.

Уй-жой қурилишига капитал
маблаг сарфлаш ўтган йилнинг
биринчи ярмидагига нисбатан 15
процент кўпайди. 106,5 минг квад-
рат метр уй-жой майдонини фойда-
ланишга топширилди, бу 1960
йилнинг биринчи ярмидагига нис-
батан 37 процент кўпайди.

Уй-жой қурилиши ярим йиллик
плани 96 процент, уй-жой майдон-
ини фойдаланишга топшириш
плани 92 процент, шу жумладан
Тошкент шаҳри бўйича 102 про-
цент бажарилди.

Мактаблар, касалхоналар, бо-
лалар боғчалари ва ясилали қу-
рилиши сектори бормоқда.

Пудратчи таъшиқотлар 1960
йилнинг биринчи ярмидагига қи-
раганда 10 процент кўп қурилиш
монтаж ишларини бажардилар.

Пудратчи таъшиқотлар ярим йил
лик плани 100,7 процент адо эт-
дилар.

МЕХНАТКАШЛАРИНИНГ МОДИЙ ФАВОНЛИГИ ВА МАДАНИЙ ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИНГ ЎСИШИ

Биринчи ярим йилда халқ
ҳўжалигининг барча тармоқлари,
айниқса саноат ва қурилишдаги
ишчи-хизматчилар сонини ўтган йил-
нинг шу давридагига нисбатан ан-
ча кўпайди.

Аҳоли, ўтган йиллардаги каби,
давлат ҳисобидан нафақа ва иш-
чи-хизматчиларнинг социал стра-
ховисини бўйича тўловлар, соци-
ал таъминот бўйича пенсиялар,
кўп болали ва ёлғиз болали она-
лар нафақаси, ўқувчилар стипен-
дияси, пулсиз медицина ёрдами,
санаторий ва дам олиш уйлари
пулсиз ва имтиёзли нархлар билан
путёвчалар, бепул билим олди ва
малакасини ошириш ҳамда бошқа
тўловлар ва имтиёзлардан фойда-
ланиш. Қўпгина ишчи ва хизмат-
чилар иш ҳақлари сақлангани
ҳолда навабдотдан отпускарлардан
фойдаландилар.

Давлат ва кооператив савдоси
чакана товар оборотининг умумий
ҳажми биринчи ярим йилда
414,2 миллион сўмни ташкил этди
ва ўтган йилнинг шу давридагига
қараганда 3 процент кўпайди. Ча-
кана товар обороти ярим йиллик
плани бажарилмади. Шу даврда
умумий оватланган корхоналарин-
инг товар обороти 3 процент
кўпайди, ярим йиллик план эса 100,5
процент бажарилди.

Умуман, чакана товар обороти
ўсган бўлишига қарамай, аҳоли-
нинг айрим товарларга бўлган ҳа-
ўтийеги тўла қондирилмаётган. Са-
во ташкилотлари аҳолининг кенг
истеъмол буюмларига нисбатан
аҳолиларнинг ўрнини етарли
этиб бормайдилар.

Халқ маорифини, кечки ва сирт-
қи таълимни ривожлантиришда
катта ютуқларга эришилди. Ўт-
ган ўқув йилида ишлаб чиқариш-
дан ажралмаган ҳолда кечки иш-
чи ва қишлоқ ёшлари мактаблари-
да, ўрта махсус ва олий ўқув юр-
тларининг кечки ва сиртқи бўли-
мида таълим олган ўқувчилар
сонини анча кўпайди.

Мактаблар, болалар боғчалари
ва ясилали тармоғи кенгайиб
борди. Аҳолига медицина хизма-
ти кўрсатиш яхшиланди.

Даволаш муассасалари 1961
йилнинг биринчи ярмида жуда
кўп миқдорда янги медицина ас-
боб-ускуналари олдилар.

СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТ

ТОШКЕНТ ШАҲАР

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ

СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИ

КПСС XXII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ СОВГАЛАР БИЛАН КУТИБ ОЛАЙЛИК

Областнинг илгор пахтакорлари ва пахта тайёрловчилари
москваликларнинг ишлаб чиқарилаётган маҳсулот

сифатини янада яхшилаш юзасидан бошлаган

ташаббусларига қўшилмоқдалар

ТОШКЕНТ ОБЛАСТ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

КПСС Программаси проекти областимиз барча
меҳнаткашларининг сиёсий ва меҳнат активлигини

янада ошириб юборди.

Дондор пахтакорлари — Чиноз районидagi
Киров номи колхозининг бригадирини, Социалистик Меҳ-
нат Қаҳрамони Турсуной Охунова ва Пескент рай-
онидagi Тельман номи колхозининг бригадирини бош-
лиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳакимполлов
Қодиров ўртоқлар КПСС XXII съездининг муносиб
кутиб олиш учун курашиб, москваликларнинг дусе-
да энг сифатли ва чидамли саноат маҳсулотини ишлаб
чиқариш тўғрисидаги қақиринларига лаббай деб жа-
воб бериб 1961 йил ҳосилининг кам деганда 80—85
процентини юқори сифатли қилиб териб олиш ва
давлатга топшириш юзасидан зиммаларига мажбу-
рий олдилар.

Янгийўл пахта тозалаш заводига қарашли
«Пахта» пахта тайёрлов пункти, Пескент заводи-
даги пахта тайёрлаш пункти коллективлари Турсу-
ной Охунова ва Ҳакимполлов Қодиров бригадаларига
олинган социалистик мажбуриятларини муваффақ-
иятли бажаришда муттасил ёрдам бериб бориш,
бригадалар келадиган — қўлда ва машинада терилган
пахталарнинг сирти, намлилиги ва тозаланиш яхши-
лаб текшириб ҳисоба олиб бориш мажбуриятини
олдилар.

Област партия комитети секретариати ҚАРОР
ҚИЛАДИ: Социалистик Меҳнат Қаҳрамонлари —
дондор пахтакорлар Турсуной Охунова ва Ҳаким-

Чиноз районидagi Киров
номи колхозининг
Социалистик Меҳнат
Қаҳрамони ўртоқ Турсуной
Охунова бошлиқ трактор-
далачилик бригадаси
аъзоларининг

СОЦИАЛИСТИК
МАЖБУРИЯТИ

КПСС Программаси проектин
руҳланган Чиноз районидagi
Киров номи колхозининг ўртоқ Тур-
суной Охунова бошлиқ трактор-
далачилик бригадаси аъзолари
Москва корхоналари коллектив-
ларининг маҳсулот сифатини ях-
шилаш ҳоҳишида бошлаган ташаб-
бусларига бир овоздан қўшил-
ишга қарор қилдилар. Пахтакорлар
бутун август давомида ўза пар-
варини бўшастириш маслиҳати
ва мўл ҳосил қўлашга аҳд қилдилар.

Улар хирмонларини ўз вақтида
ремонт қилиш, пахта-терил маши-
наларининг тайёрлигини текши-
риш; КПСС XXII съезди очилди-
дан кунга пахта тайёрлаш плани-
ни бажариш, ҳосилининг 80 — 85
процентини биринчи сиртга топ-
ширишга бел боғладилар. Ҳар
гектар ердан 50 центнердан пахта
топириш юзасидан олинган маж-
буриятни 7 ноябрга бажаришга
сўз бердилар. 5 декабргача ўза-
пошлар-тозаланиб, шудгорлаш ўт-
казилари.

Янгийўл пахта заводи
«Пахта» пахта тайёрлаш
пункти коллективининг

СОЦИАЛИСТИК
МАЖБУРИЯТИ

«Пахта» пахта тайёрлов пункти
коллективини Турсуной Охунова бри-
гадасининг мажбуриятини билан та-
нишиб чиқиб, ўз зиммасига қуйи-
даги мажбуриятни олди:

Турсуной Охунова бригадаси-
дан машинада терилган пах-

Областимиз қишлоқ ҳўжалиги
меҳнаткашларининг бутун диққат-
этибори ҳозирги пайтда Совет
Иттифоти Коммунистик партияси
XXII съездининг муносиб меҳнат
совгалари билан кутиб олишга ба-
ратилган. Пиллачиларимиз бу йил
Ватанга 12420 центнер пилла топ-
шириб, зиммаларига олган соци-
алистик мажбуриятларини 29 июлда
муддатидан илгари бажарган-
ликларини тўғрисида аўр хурсанд-
чилик билан рапорт бердилар.

Бундай муваффақиятга эришиш
учун озмуна меҳнат қилинмади.
Ҳар шундаки, қўпгина ҳўжалик-
ларда пилла қурти боқиб учун
маҳсус курхоналар йўқ эди. Шун-
инг учун юзлаб хоналар танлан-
иш ва булар талаб қилинган дара-
жада ремонт қилиниб, жиҳозлан-
иш, ёқилди билан таъминланиш
иш керак эди. Бу ишларнинг уд-
дасидан чиқилди. Биз, пиллачи-
ларга партия ташкилотлари ёрдам
бердилар. Қўпгина қолхоз ва со-
вхозларда пилла қурти боқиб ва
уни ташкил этиш партия ташки-
лотларининг секретарларига топ-
ширилди. Ҳама нарса олдиндан
тайёрлаб қўйилди. Қадрлар тан-
ланди, хоналар ажратилди, сўн-
чақлар ўрнатилди учун материаллар
келтирилди.

Бироқ ҳўжалик тадбирларининг
ўзига ишнинг муваффақиятини
таъминлади деб айтиб бўлмайди.
Энг муҳим нарса шу бўлдики,
пиллачиларимиз илгорида н и я н

ИНСОНИЯТГА НУР СОЧУВЧИ ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗ

КПСС Программа проекти бутун жаҳон жамоатчилигининг диққат марказида

СОЦИАЛИСТИК СИСТЕМАНИНГ АФЗАЛЛИГИ

Социалистик система — ер юзидаги барча тинчликсевар кучларнинг табиий жозиба марказидир. Унинг ташқи сиёсати принциплари халқаро миқёсда тобора кўпроқ эътироф қилинмоқда ва қўллаб-қувватланмоқда. Ер юзида кенг тинчлик зонаси вужудга келди. Бу зонага социалистик мамлакатлар билан бир қаторда, уруш очилган у ёки бу сабаблар туяйли манфаатдор бўлмаган, носоциалистик

давлатларнинг катта группаси ҳам кириди. Бу давлатларнинг жаҳон сиёсати майдонига чиқиши кучлар нисбатини тинчлик фойдасига анчагина ўзгартирди.

Бетарафлик сиёсати юргизаётган, ҳарбий блокларда иштирок қилишдан келадиган ҳавфдан ўзини сақлаб қолишга қўйлаётган давлатларнинг сон-ўсмонда.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программаси проектидан.

„Коммунизм Программаси проектини табриклаймиз!“

БУДАПЕШТ, 2 август. (ТАСС). «Непсабдиш» газетасининг КПСС Программаси проектига бағишланган бугунги бош мақоласи, «Коммунизм Программаси проектини табриклаймиз!» деган сарлавҳа остида босилиб чиқди.

Совет Иттифоқи, дейилди мақолада, социалистик дaвpнинг асосий кучидир. Унинг тез тараққий этиши барча халқ демократияси мамлакатларининг иқтисодий, сиёсий ва иқтисодий ривожланишига таъсир кўрсатмоқда.

КПСС янги Программасининг проекти биз, венгларлар учун ҳам янги келажикнинг асосий ҳусусиятларини белгилаб беради.

КПСС сўзларини бошқа коммунистик партияларнинг ва бутун инсониятнинг ҳаётида ҳаммаша жуда катта аҳамиятга эга бўлди, деб ёзди «Непсабдиш». Ҳозир, партия янги Программасининг проекти эълон қилингандан кейин биз партиянинг XXII съезди тарихий

аҳамиятга эга воқеа бўлади, у бутун жаҳон коммунистик ҳаракати, шу жумладан, бизнинг партияимизга ва бутун венг халқига ҳам катта ёрдам беради, деб айта оламиз. Программага баён этилган фикрлар айни бир вақтда венг меҳнатқилларининг энг қизғин ишчиларининг ҳам ифода этади. Венг халқи нима истайди? Биринчи навбатда тинчликнинг таъминланишини истайди. КПСС Программаси проектида ҳам ана шу истак ифода этилган.

Бизнинг халқимиз тинчлик, фаровонлик ва мўл-кўлчилик бўлишини истайди. У ўзининг вафодор дўсти совет халқи кетидан бориши, шу идеалларнинг рўёбга чиқарилишига олиб борадиган йўлдан боришини истайди. Венг халқи мўлчилик, умумий маданият ва фаровонлиқнинг олтин асрига унумли меҳнат йўли билангина эришиш мумкинлигини ҳам англайди.



Ю. А. Гагариннинг Бразилияда бўлиши

САН-ПАУЛО, 2 август. (ТАСС). Юрий Гагарин Сан-Паулода атин бир кун — 1 август кун бўлди. Лекин ана шу кунга муқаддас ичиди ҳам Бразилиянинг бу йirik санoат маркази аҳолиси ҳурматли совет меҳмонига нисбатан ўз меҳмондўстлиги ва илтифотини кўрсатди.

Шаҳар аҳолиси Гагарин тўхтаган меҳмонхона олдига эрталабдан бошлаб кечгача тўпланиб турди. Гагарин кўчага чиқини биланов дарҳол уни одамлар қўшаб олишар ва табриклар беришди.

Сан-Пауло штати журналистлар касаба союзи Гагарин шарафига эиёфат берган био олдига космонавтни кўтиб турган кишилар кўтарган плакатга: «Пролетарий саломини, Юрий!» деб ёзилган эди. Сан-Пауло аҳолиси совет халқининг вакилини самимий табриклаб, «Тинчлик ва дўстлик», «Биз Совет Иттифоқи билан дўстликка тарафдоримиз» деб хитоб қилди.

Ю. Гагарин расмий иш билан Сан-Пауло штатининг губернатори Карвало Пинто ҳузурига бўлди. Гагарин билан Пинто дўстона суҳбатлашди. Губернатор Бразилия халқи совет фанининг улуғвор

ютуқларига, Юрий Гагариннинг қаҳрамонлигига астойдил хурсандир, деб таъкидлади.

1 август кечқурун шаҳарнинг спорт залида Сан-Пауло меҳнатқилларининг Ю. Гагарин визитига бағишланган митинги бўлди. Космосни забт этувчини 5 мингдан ортиқ киши гулдўрс овида билан кўтиб олди. Кўп кишилар митингга плакатлар ва транспарантлар кўтариб келганлар. Плакат ва транспарантларга совет меҳмонига энг самимий табриклар ҳамда совет халқига Бразилия халқининг дўстона туйғуларини аҳор қилинган

сўзлар рус ва португал тилларида ёзилган. Транспарантлардан бирида: «Янашси Совет Иттифоқи билан дўстлик ва дипломатик муносабатлар», дейилган.

Митингда Сан-Пауло мэри Франсиска Престес Ю. А. Гагариннинг самимий табриклади. Бразилия астронавтика институтининг вакили гулдўрс қарсақлар остида, Гагарин бу институтнинг фахрий аъзоси қилиб сайланганлигини хабар қилди. Шу ернинг ўзнда унга институт дипломи топширилди.

Митингда Юрий Гагарин сўзга чиқди.

ЧИРЧИҚ ШАҲРИДА

БАҲАВО ЖОЙЛАРДА

Ез ойлари бошланиши билан ҳафтанинг яшашба кунлари чирчиқликлар коллектив бўлиб шаҳар четидagi баҳаво жойларга дам олиш учун чиқиб кетадилар. Санoат корхоналарининг қосмонд ва касаба союз ташкилотлари коллектив бўлиб дам олишга чиқини мазмунли ўтказиш учун оидиндан, лухта план тузадилар. «Ўзбекхммаш», «Чирчиқсельмаш» заводлари ва электротехника комбинати корхоналари меҳнатқилларининг бир кунлик дам олишлари айниқса марoқли ўтмоқда.

Сентябрь ойи охиригача шаҳар меҳнатқилларидан яна 8 минг киши бир кунлик дам олишда бўлишад.

СИЕСИЙ МАОРИФ КАБИНЕТИНИНГ ЯҲШИ ТАШАББУСИ

«Ўзбекхммаш» заводининг сиёсий маориф кабинети корхона боғининг хушманзара жойида қизил бурчак ташкил қилди. Ҳозир бу ер турли темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказиладиган, газета-журнал ўқи, маданий ҳордиқ чиқарадиган жойга айланиб қолди. «Совет жамиятда безориларга ўрин йўқ!», «Совет ёшларининг маънавий қиёфаси», халқаро аҳвол, фан ва техника янгиликлари ва бошқа темалардаги лекцияларни 2000 дан ортиқ киши тинглади.

Т. СИХАРУЛИДЗЕ.

Чирчиқ шаҳар музейида яқинда «Чирчиқ коммунистик меҳнат ва юксак маданият шаҳри учун курашда» деган темада янги экспозиция ташкил қилинди. Музейга келувчилар янги экспозиция материалларини ўқи қизиқиш билан тамоша қиладилар.

О. Левак фотоси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ НИНГ ПОИТМАСИ

Совет кишилари КПСС Программасининг проектини ўзларининг жоножон иши, коммунизм жамиятини қуриш учун умумхалқ курашининг байроғи деб қабул қилдилар. Бунинг кечаги куннинг ўзидагина областимиз меҳнатқилларидан редакцияимизга келган кўпчилик хатларнинг мазмунини яққол кўрсатиб турипти.

Янгиёул шаҳридаги гидролиз заводининг директори ўртоқ В. Душинининг хатида бундай дейилди: «Коллективимиз - КПСС нинг XXII съезди очилишини корхонанинг дастлабни маҳсулотини чиқариш билан нишонлаган эди. Эндилда коммунистик қурилиш Программаси проектининг эълон қилиниши корхонанинг саккиз ойлик плани муддатидан олдин бажарилиши билан нишонланди».

Революция шўхрати ва меҳнат ветеранлари клуби правлениесининг масъул секретари, 1920 йилдан бери КПСС аъзоси ўртоқ Риза Усмоновнинг хабарига қуйидагилар айтилган: «Биз уч революциянинг ҳамда мамлакатда бўлиб ўтган революцион ўғаришларнинг қатнашчиларимиз. Партиямиз янги Программасининг проекти бизларнинг кучинини янада активлаштиришга ундади. Клубимиз аъзолари област шаҳар ва кишлоқларида аҳоли ўртасида Программа проектини тушунтириш ишларига актив киришиб кетдилар».

Кечаги куннинг ўзида редакцияимизга 52 та хат-хабар келди.



Областимизнинг ҳамма жойларида Коммунистик партия Программасининг проекти қизғин муҳокама қилинмоқда. Суратда: Ленин номидаги Тошкент давлат университетининг ўқитувчиларидан (чапдан) доцент А. Шоман судов, ўқитувчи А. Буянова, доцент Л. Гештше, профессор Ш. Толинов ўртоқлар Программа проекти юзасидан қизғин суҳбат қиладилар.

В. Салов фотоси.

Медицина ва савдо хизмати маҳалла меҳнатқиллари муҳокамасида

Тошкент шаҳар Октябрь районидagi Владимир номи, «Қизил шарк», «Парик коммунист», «Қизил товуш» маҳаллаларининг яқинда қўшма йиғилиш бўлиб ўтди. Меҳнатқиллар жамоатчилиги феолиятининг ўзига хос бир кўриниш бўлган бу йиғилишда 22-полклинканинг аҳолиси 9-амбулаториянинг участка вра-

чи Екубованин ва Октябрь район пишкеторига қароши 3, 26, 128-ошқ-овқат магазинларининг мудирлари Валижонов, Қосимов, Мухомов ўртоқларнинг ҳисоботларини тингладилар.

Йиғилишда сўзга чиққанлар 9-амбулатория ишдаги жиддий камчиликларни, айниқса врач Екубованин феолиятини

муҳокама қилишга оид ташлабдилар. Врач Екубованин касаллар билан қўпол муомалада бўлиши, айрим беморларга нотўғри диагноз қўйиши, медицина пропагандага етарли эътибор бермаслиги жуда кўп сўзга чиқди. Ўртоқларнинг гапларида ўз ифодасини тойд.

Сўзга чиққанлардан И. Эшонқулов, А. Анимов, Э. Пулатов, А. Бекмухамедов ва бошқалар амбулатория ходимларининг аҳоли билан алоқаси ишчи эмаслигини, аҳоли орасида профпактив тадбирлар камдан-кам ўтказилаётганлигини каттиқ қоралашди. Ўртоқ маҳалла меҳнатқиллари, рининг қўшма йиғилиши чиқарган қарорда врач Екубованин 9-амбулаториядан чиқариб олиш, ўзига бошқа таърибала врач юбориш Октябрь район соғлиқни сақлаш бўлими ҳамда 22-полклинкани маъмуриятдан сўралиши кўрсатилди.

Икки юздан ортиқ киши катнашган бу йиғилишда Октябрь район пишкеторига қароши бир қатор магазинларнинг ходимлари аҳоли талаби даражасида яшаш ишлатилганлигини, айниқса 26-магазин коллектив аҳолига маданий хизмат кўрсатишда бошқаларга намуна бўлаётганлигини уқдириб ўтди. Бу магазин ходимларининг таърифсиз ишлари меҳнатқилларга айниқса катта қўлайлик туғдираётганлиги таъкидланди.

Йиғилишда савдо дўконларини жойлаштиришдаги айрим камчиликлар ҳам очиб ташланди.

Октябрь районидagi маъмур маҳалла-лар активларининг бу ташаббуси қўллаб-қувватлашга лойиқдир. Район ижроа комитети бу таърибани бошқа маҳалла-ларга ҳам кенг ёйса, жуда фойдаланарли бўларди.

К. ИСЛОМОВ, А. АБДУЛЛАЕВ.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Суратда: Тошкент давлат чет тиллар институтининг француз тили факультетига кириш учун имтиҳон топшираётган йигит-қизлардан бир группаси. Ўлар ишпо ёзмақдалар.

А. Абалая фотоси.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА КИРИШ ИМТИҲОНЛАРИ БОШЛАНДИ

1 август кунин пойтахтдаги деярли ҳамма олий ўқув юртлари, ўрта махсус таълим ўқув юртларида кириш имтиҳонлари бошланди. Бу кун абитуриентлар учун жуда ҳаяжонли кун эди.

Мана, Тошкент Давлат чет тиллари педагогика институтининг биноси. Ҳовлига киришнингиз билан тўп-тўп бўлиб, ўзаро жиддий мулоҳаза юритишгаётган йигит-қизларнинг кўрасиз. Ўларнинг айримлари ҳозиргина ёзма ишини имтиҳон комиссиясига топшириб чиққанлар. Ўртоқларига шу ҳақда ҳаяжонлиёб гапириб беришмоқда. Бинонинг ичкари-сида, аудиторияларда эса имтиҳонлар қизғин бормоқда.

Француз факультетига ариза берганлар группасига кирдик. Ўлар она тилидан ишпо ёзмақдалар. Тема ҳама-ларига таниш. Тўрт хил тема. Ҳар ким хоҳлаган темасида ёзди. Биринчи тема Ҳамза Ҳакимзодиннинг «Биз ишчимиз», «Яна, Шўро», «Берма, еркинги қўлдан» шеърларининг анализини экан. Кўпчилик шу темани танлабди. Навбатдаги тема «А. Ҳаҳорнинг «Шохи сўзана» комедиясидаги Деҳқонбой билан Ҳафиза образлари» деб аталган. Андижонлик Армиёнов Пулатова шу темадаги ишини ҳаммадан бурун ёзиб битирди. Қорақалпоғистондан келган Нургали Айтбеов ҳам ишпоини биринчилар қатори топширди.

Бошқа факультетларда ҳам имтиҳон қизғин давом этмоқда.

Чет тилларни ўқитишга партия ва ҳукуматимиз алоҳида эътибор бермоқда, — дейди қабул комиссиясининг масъул секретари ўртоқ Б. Муродов. — Шу ҳақда КПСС Марказий Комитетининг чиқарган оқилона қарорига мувофиқ, бу йил кўнган йилдаги нисбатан кўпроқ студентлар қабул қилиниши планлаштириш керак. Институтда инглиз, немис, француз тиллари факультетлари бор. Энди янгидан испан тили факультетини ташкил қилмоқчимиз. Шу билан бирга, кечки бўлим очилиши ҳам планлаштиришди. Дарҳақиқат, чет тилларни ўқитадиган педагогларни қўллаб етиштиришга қаратилган бу тадбирларни шу соҳадаги жуда катта, дадил қаддам деб баҳолаша бўлади.



4 АВГУСТ

19.00. Ўқувчилар учун рус тилида «Ўйлаб жавоб бер» деган эшиттириш.

19.35. Телевизион янгиликлар.

19.55. «Биласизми?» деган музикали эшиттириш.

20.35. Рус тилида комментатор суҳбати.

20.50. Адабиёт ва санъат ходимлари КПСС XXII съездида «Ўйлаб сафар».

21.25. Ўзбек тилида «Янги Деҳли» деган хинд кинокомедиясининг биринчи серияси.

Тошкентнинг ТАМОША ЗАПЛАРИДА

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА: Любушка — «МИР» (кундуз ва кечқурун).

Яшил патруль — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Ешлик ҳақида ҳикоялар — НАВОИЙ номи (эрталаб соат 10 ва кеч 10 да), «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Синовалр соати — «КОМСОМОЛ 30 ИЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Шарк томон 10 қадам — «ИСКРА» (кундуз соат 4.20 минутгача ҳамма залда, кеч 6.20 ва 8.20 минутда 3-залда).

Номалъум аёл — НАВОИЙ номи (кундуз ва кечқурун), «ИСКРА» (кеч соат 5 дан).

Севаман сени, ҳаёт — «ФЕСТИВАЛЬ» (кеч соат 9 ва 11 да).

Ешлик ҳақида ҳикоялар — «ВАТАН» (кеч соат 9 ва 11 да).

Синовалр соати — ПУШКИН номи (кеч соат 9 ва 10.45 минутда), «УДАРИМ!» (кеч 9 ва 11 да).

Бизнинг йигитлар — КАФА. НОВ номи (кеч соат 9 ва 10.45 минутда).

Шарк томон 10 қадам — ТЕЛЬМАН номи (кеч 8.45 минут ва 10 яримда).

Номалъум аёл — «ПОБЕДА» (кеч соат 9 ва 11 да), НАВОИЙ номи (кеч 9 ва 10.50 минутда).

Қатнаб ўқидиган ва сиртқи

Тошкент область ўрта мактаби

5, 6, 7, 8, 9, 10-синфларга Тошкент областининг ҳамма район ва шаҳарларидаги граждандардан

1961/62 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Дарслар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

Директор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар қўйиб берилади: маълумоти ҳақида ҳужжат, паспорт намунасидаги 2 та фотокорточка, иш жойидан справка, турар жойдан справка, таржимаи ҳол.

Мактабнинг уч филиали бор: биринчи (марказий), филиал — Оржоникидзе районидagi 1-ўрта мактаб ҳузурида, иккинчи филиал — Ўрта Чирчиқ район, Бентемир қишлоғидagi 52-ўрта мактаб ҳузурида, учинчи филиал — Чирчиқ шаҳридаги 8-ўрта мактаб ҳузурида.


Ўқини 1 сентябрдан бошлади.

Ҳужжатларни тақдим қилиш учун адрес: Оржоникидзе район, Луначарский посёлоки, Киров кўчаси, 9-уй.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ»

4-БЕТ, 4 АВГУСТ, 1961 ЙИЛ.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ». («Ташкентская правда») — орган Ташкентского обкома и горкома Коммунистической партии Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.



Ташкент, «Правда Востока» кўчаси, 26. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Коммутатор — 26334 ва 33262 орқали Партия туришуш бўлими — 140, Пропаганда бўлими — 136, Адабиёт ва санъат бўлими — 29040, 135, Кишлоқ ҳўжалик бўлими — 29040, 135, Санoат ва транспорт бўлими, Маданият бўлими — 34048, 132, Секретариат — 34808, 115. Маҳаллий ахборот бўлими — 29040, 50, Хатлар бўлими — 34048, 156, Эълонлар бўлими — 28142.